

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.V.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА МУАТТАРХОН ПУЛАТОВНА

ШОХИМАРДОНСОЙ - МАРҒИЛОНСОЙ АЛЬГОФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Юлдашева Муаттархон Пулатовна Шохимардонсой-Марғилонсой альгофлораси	3
Юлдашева Муаттархон Пулатовна Альгофлора река Шахимардансай- Маргилансай.....	21
Yuldasheva Muattarkhan Pulatovna Algal flora of the Shaximardansay- Margilansay.....	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	43

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.B.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДАШЕВА МУАТТАРХОН ПУЛАТОВНА

ШОХИМАРДОНСОЙ - МАРҒИЛОНСОЙ АЛЬГОФЛОРАСИ

03.00.05 – Ботаника

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Наманган – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/B189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимжанова Холисхон Алимжановна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хамидов Ғуломжон Хамидович
биология фанлари доктори, профессор

Буриев Сулаймон
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.B.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс (+99869) 227-07-61, e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316 - уй, Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Э. Зайнабидинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д.

Х.Э. Эргашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD.

А.Р. Батошов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда сув ҳавзалари барқарорлигини таъминлаш, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва айниқса, сув ҳавзаларининг экология-санитария ҳолатини баҳолаш катта аҳамиятга эга. Бу ўринда, альгофлора таркибидаги индикатор-сапроб турларнинг сапроблик индексини ҳисоблаш билан дарёларнинг сапробиологик зонаси ва сувнинг сифатини белгилаш, айниқса, антропоген омиллар таъсири остида бўлган трансчегаравий дарёлар альгофлорасининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шунга кўра, табиий ва сунъий сув ҳавзалари бирлашган ҳудудлардаги сувўтларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш, инвентаризациялаш, камёб турларни аниқлаш ва муҳофаза қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда сув ҳавзалари флораси бўйича тадқиқотлар стратегик объект сифатида фойдаланиладиган трансчегаравий дарёлар ва сув манбалари билан фарқ қилувчи йирик ҳудуд сув ҳавзаларидаги альгофлоралар ҳолатини аниқлаш ҳамда уларнинг трансформацияси даражасини баҳолашга қаратилган. Бу ўринда, сув ҳавзалари орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлган дарёлар нафақат биологик хилма-хилликга бойлиги билан, балки альгофлора турларининг сув ҳавзалари бўйлаб тарқалишида асосий ирригация тармоғи эканлиги билан муҳим ҳисобланади. Бу ўринда, айниқса, турли ирмоқларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган дарёлар сув манбаларининг кўплиги ва альгофлорасида турлар сонининг юқори эканлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, тадқиқот ҳудудининг турли тоғ тизимлари қўшилган ҳудудда жойлашганлиги ундаги дарёларнинг ўзига хос альгофлора таркибига эга бўлишига ҳам олиб келади. Шунга кўра, дарёлар альгофлорасининг тур таркибини аниқлаш, дарё альгофлорасини оқим бўйича фарқланишини илмий асослаш, индикатор-сапроб турлар асосида сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда сув ҳавзалари табиий флорасини сақлаб қолиш, улардан стратегик объект сифатида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, сувўтлар коллекциясини ташкил этиш, дарёларнинг антропоген ифлосланиш манбалари ва кўламини аниқлаш, уларни бартароф этиш ва сувўтларини оқова сувларни тозалаш амалиётига тадбиқ қилиш борасида натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш, ирригация тармоқлари объектларини ривожлантириш”¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлорасининг таксономик таркиби ва индикатор-сапроб турларни аниқлаш, дарё сувининг экология-санитария ҳолатини таҳлил қилишда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

улардан фойдаланиш, альгофлоранинг электрон маълумотлар базасини тузиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

“Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (2016), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Альгофлоранинг таксономик номенклатураси, унинг шаклланишига экологик омилларнинг таъсири ҳамда сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолашда сувўтларининг роли тўғрисидаги маълумотлар хорижлик олимлардан J. Komarek, J. Kostovsky, J.Mares, J.Johansen (2014), B.Zarei Darki (2010), N.Abdel-Raouf, Al-Homaidan, I.B. Ibraheem (2012), МДХ олимларидан Болотова Н.Л (2017), Ш.И.Коган (1985), Горбулин О.С. (2017), Е. Патова (2017) ва бошқаларнинг ишларида ёритилган.

Шохимардонсой-Марғилонсой альгофлорасига бағишланган тадқиқотлар асосан А.М. Музафаров (1938–1941) ишларида акс этган бўлиб, бунга ҳам 80 йил бўлди, бу тадқиқотлар Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасининг тур таркибини замонавий ҳолатини очиб бериш учун етарли эмас. Ўзига хос альгофлора таркиби, унинг шаклланиши ва экологик хусусиятларига эга бўлган ҳамда республика альгофлораси учун илгари номаълум турларни ўзида сақлаган Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлораси бўйича илмий-тадқиқотлар тўлиқ олиб борилмаган. Шу ўринда, Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлорасининг ҳозирги ҳолатини очиб бериш, альгофлорани шаклланиши, дарёнинг оқим бўйлаб ва мавсумий ўзгаришлари, альгофлорани тарқалишида экологик омилларнинг ролини асослаш ҳамда сувнинг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб сувўтларининг аҳамиятини очиб бериши муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ботаника институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А9-Т005 «Маҳаллий ва ўзга ҳудудлар флорасида учрайдиган истикболли сувўтлари, реликт, камёб ва йўқолиш арафасида турган юксак сув ва сув-ботқоқ ўсимликлари турларини

коллекциясини яратиш мақсадида уларни излаш ва танлаш» (2009-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Шохимардонсой-Марғилонсой альгофлораси турлар таркибини аниқлаш ва сувининг экология-санитария ҳолатини баҳолашда индикатор-сапроб турларнинг аҳамиятини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шохимардонсой-Марғилонсой альгофлорасининг турлар таркибини аниқлаш ва уларнинг таксономик таҳлилини амалга ошириш;

дарё альгофлораси турлар таркибининг оқим бўйлаб тарқалишини аниқлаш ва дарёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимлар альгофлорасини қиёслаш;

дарё альгофлорасини Ўрта Осиёнинг бошқа табиий ва сунъий сув ҳавзаларида олиб борилган илмий тадқиқотлар манбалари билан қиёсий таҳлил этиш;

дарё альгофлорасининг мавсумий ва оқимлар бўйлаб тарқалишига экологик омилларнинг таъсирини аниқлаш;

дарё альгофлораси таркибидаги индикатор-сапроб турларнинг сапроблик индексини (Si) ҳисоблаш билан дарёнинг сапробиологик зонаси ҳамда сувнинг сифатини белгилаш.

Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси ҳавзасидаги балиқчилик хўжалиқларининг альгофлораси тур таркибини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Шохимардонсой-Марғилонсой альгофлораси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлорасининг таксономияси, флористикаси, экологияси ҳамда дарё сувини экологик-санитария ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда альгологик, гидробиологик ва статистик методлар, лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шохимардонсой-Марғилонсойдан альгофлоранинг 308 тур ва тур хиллари аниқланган (7 бўлим, 15 та синф, 20 тартиб, 36 оила, 77 туркум) ва рўйхати тузилган;

илк бор Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси учун илгари номаълум бўлган 36 тур (Cyanophyta 1 тур, Rhodophyta 2 тур, Chrysophyta 2 тур, Bacillariophyta 21 тур, Pyrrophyta 2 тур, Euglenophyta 2 тур, Chlorophyta 7 тур) аниқланган;

альгофлора таркибининг йил мавсумлари давомидаги ўзгаришлари аниқланган ва турлар сонининг мавсумий фарқлари очиб берилган.

альгофлора таркибининг дарё оқимлари бўйлаб (юқори, ўрта, қуйи оқимлар) ўзгариши аниқланган ва уларнинг экологик омиллар таъсирида шаклланиши тавсифланган;

дарё альгофлорасидан аниқланган сапроб турларнинг сувнинг сифатини баҳолашда муҳим индикатор эканлиги асосланган;

илк бор Шохимардонсой-Марғилонсойдан альгофлорасининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи электрон маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

альгофлоранинг маълумотлар электрон базаси Экология ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси амалий фаолиятларида сув ҳавзалари альгофлораси биохилма-хиллигини сақлаш ва дарёлар сув сифатини назорат қилишга қаратилган чора тадбирларни амалга ошириш ва мониторинг тадқиқотларни ўтказишда қўлланилган;

альгофлора таркибидан аниқланган 77 тур индикатор-сапроб сувўтлар: 13 тур χ -сапроб, 18 тур δ -сапроб, 35 тур β -мезосапроб, 10 тур α -мезосапроб, 1 тур ρ -сапроб турларнинг рўйхати тузилган ва сув ҳавзалари сувининг экология-санитария ҳолати баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ва олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган сувўтлар намуналарини «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» коллекцияси фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти 80 йилдан кейин қайта Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлорасининг турлар таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси учун янги турларни қайд этилганлиги ва турлар таркибини қиёсий очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижаларни табиатни муҳофаза қилиш фаолиятида сув ҳавзалари биохилма-хиллигини муҳофаза этишга, индикатор-сапроб турлардан сувнинг сифатини мавсумий ҳамда оқимлар бўйлаб ифлосланиш даражасини баҳолашга, шунингдек, электрон маълумотлар базасини худуд сув ҳавзалари альгологик тур таркибини аниқлаштириш ва улардан фойдаланишда асос сифатида хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси альгофлорасини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

альгофлора таркибидан аниқланган 77 тур индикатор-сапроб сувўтлар рўйхати, сувнинг ифлосланишини белгиловчи сифат ва миқдорий хусусиятлари Фарғона вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 14 декабрдаги 03-03/2-4614-сон маълумотномаси). Натижада Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси сувининг мавсумий ва оқим бўйлаб органик ифлосланиш даражаларини аниқлаш имконини берган;

Шохимардонсой-Марғилонсойдан аниқланган 308 турдан иборат сувўтлар рўйхати ва индикатор-сапроблик бўйича сувнинг ифлосланиш даражалари кўрсаткичлари ФА-Ф5-Т-230 рақамли «Сув ва қуруқлик экосистемаларида паразитар тизими таркибий қисмларининг шаклланиши ва ҳаракатланиш қонуниятлари» фундаментал лойиҳасида сув ҳавзаларидаги

паразит организмларни ҳамда уларни дарё гидробионтлари қаторида тарқалишини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 22 майдаги 4/1255-1326-сон маълумотномаси). Натижада турли сув ҳавзаларида гидробионтлари билан бир қаторда учрайдиган паразит организмларнинг рўйхатини тузиш, уларнинг экологик хусусиятлари ва сув ҳавзаларининг органик моддалар билан ифлосланиш даражасини баҳолаш имконини берган;

Шохимардонсой-Марғилонсой дарёсидан йиғилган альгологик намуналар ҳамда уларнинг доимий препаратлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» ноёб объекти коллекциясига топширилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 28 сентябдаги 4/1255-2580-сон маълумотномаси). Натижада коллекциянинг «Ўзбекистон дарёлари сувўтлар флораси» фондини бойитган ва сувўтлар флорасини инвентаризациялаш, сувўтларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда иқтисодиёт тармоқларида фойдаланишда муҳим бўлган турларнинг тоза культураларини ажратиб олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 13 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 110 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Альгологик тадқиқотларнинг таҳлили, тадқиқот методлари ва Шохимардонсой - Марғилонсой дарёси сув ҳавзасининг табиий - географик тавсифи”** деб номланган биринчи бобининг биринчи бўлими – Ўрта Осиёнинг турли сув ҳавзалари альгофлораси бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижаларнинг қисқача шарҳига қаратилган.


Ўзбекистондаги альгологик тадқиқотлар натижалари Музафаров, 1958, 1960, 1965, 1981; Мусаев, 1960; Эргашев, 1974, 1976; Коган, 1972, 1985; Кучкарова, 1974, 1990; Халилов, 1976; Ельмуратов, 1977; Шоякубов, 1976, 1977, 1978; Тожиев, 1984; Абдукодиров, 1990; Хабибуллаев, 1991; Буриев, 1993; Каримова, 1996, 2002; Алимжанова, 1991, 2005, 2007; Мустафаева, 2002; Шайимкулова, 2007; Боронбаева, 2007; Халмурзаева, 2007; Рашидов, 2007; Эшмуродова 2010; Мўминова 2011; Эргашева 2017; Тошпўлатов 2018 ишларида келтирилган.

Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасини ўрганиш бўйича А.Музафаров 1938-1941 йилларда тадқиқотлар олиб борган ва 257 та тур ва тур хилларини аниқлаган. Шохимардонсой - Марғилонсой дарёси ҳавзасига доир 1958-1965 йиллардаги маълумотлари билан, 2009 – 2016 йилларда аниқланган 308 тур ва тур хиллари ўртасида қиёсий таҳлиллар олиб борилганда, ўша вақтда аниқланган 257 тур ва тур хиллари ичидан 84 тур ва тур хиллари ўхшаш, ҳамда 173 та тур ва тур хиллари шу ҳавза учун илк бор топилганлиги маълум бўлди ва бунинг сабаблари аниқланди. Илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлорасининг экологик хусусиятлари, мавсумий ривожланиши ва индикатор сапроб сувўтларининг тарқалиши, шунингдек, уларнинг сувининг сифатини баҳолашдаги аҳамиятини аниқлаш каби масалалар очиқ берилмаганлигини кўрсатди.

Бобнинг иккинчи бўлимида – тадқиқот объекти, материаллари ва ўрганиш методларига бағишланган, яъни альгологик намуналарни йиғишда ва аниқлашда умумий альгологияда қабул қилинган альгологик (Жузе ва б., 1949; Голлербах, Полянский, 1951) ва гидробиологик (“Унифицированные методы исследования качества вод”, 1976; 1977) методлардан фойдаланилди. Сувўтлар ҳақидаги А.Э. Эргашев (1979), А.М. Музафаров, А.Э. Эргашев, С.А. Халилов (1987,1988), А.Х.Алимжанова, (2007), А.Х.Алимжанова, М.А.Шайимкулова (2008) монографияларидан фойдаланилди. Диатом (Centrophyceae, Pennatophyceae) ва яшил (Chlorococcosphyceae) сувўтларининг синфлари номларидаги айрим ўзгаришлар С.П. Вассер (1989) нинг ишларидан олинди. Шохимардонсой – Марғилонсой сувўтлар флорасини бошқа худуд сувўтлари флоралари билан умумийлиги қиёслаш методи орқали аниқланди, умумийлик коэффициенти Жаккар (Шмидт, 1974) формуласи бўйича ҳисобланди. Сувўтларнинг сапроблик индекси (Si) R. Kolkwitz, M. Marsson (1908, 1909) шкаласи бўйича ва унга Г.И. Долгова, Я.Я. Никитинский (1927), V. Sladeczek (1961, 1973) ларнинг киритган қўшимчаларини ҳисобга олган ҳолда R. Pantle ва N. Buck (1955) формуласи ёрдамида аниқланди. Сувнинг сапроблик зонаси ва сифатига кўра синфлари В.Н. Жукинский ва б. (1981й.) методи асосида аниқланди.

Бобнинг учинчи бўлими - Шохимардонсой - Марғилонсой дарёсининг табиий-географик тавсифида - геоморфологик белгилар бўйича дарё юқори, ўрта ва қуйи қисмларга бўлинади (Щульц, 1965). Дарёнинг оқимларидан жами 23 та кузатув нуқталари (КН) ажратиб олинди: Шохимардонсой - Марғилонсойнинг бошланиш қисмидан (Машалангсой, Оксой, Кўксойлар

қўшилишидан) Шохимардон қишлоғи худудидаги юқори оқимда 12 та КН; Ўрта оқим – Водил қишлоғидан Фарғона шаҳри ичигача бўлган оралик ўрта қисмда 6 та КН; Қуйи оқим – Марғилонсойни яна Шохимардонсойга айланиб ЖФК га (Марғилон шаҳрининг бошланиш қисми - Болтакўл қишлоғи) келиб қуйилишигача бўлган қисмда 5 та КН, доимий ва ва қўшимча намуна йиғиш нуқталари белгиланди (1-расм).



Масштаб 1 : 200 000

1-расм. Шохимардонсой - Марғилонсойнинг харитадаги схемаси

- 1.- · - давлатлар орасидаги чегара
- 2.- · - денгиз сатҳидан баландлиги
3. ▲ - доимий намуна олиш нуқтаси, △ - қўшимча намуна олиш нуқтаси

Шохимардонсой – Марғилонсой Помир - Олой ва Туркистон тоғ тизмалари ёнбағирларидан оқиб тушадиган бир қанча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бу ерда ариқлар, дарёлар, булоклар, кўллар ва сув билан суғориладиган қоялар учрайди. Шу сабабли уларнинг суви март – май ойларида йиллик оқимнинг асосий қисмини ўтказиб, ёзда бир оз камайиб қолади. Шохимардонсой - Марғилонсойда асосий сув даври асосан апрель-июнь ойларида, катта сув сарфи май ойларида кузатилади. Бу даврда ўрта ҳисобда йиллик оқимнинг 80% и оқиб ўтади, аксинча июль-октябрь ойларида, дарёда сув жуда кам бўлади, бу даврда оқиб ўтадиган сувлар миқдори йиллик оқимга нисбатан бор йўғи 15% ни ташкил қилади.

Бобнинг тўртинчи бўлими – Дарё сувининг физик кўрсаткичлари ва кимёвий таркибида эса альгофлорани ўзгаришига сабаб бўлувчи омиллардан дарё сувининг физик кўрсаткичлари ва кимёвий таркиби маълумотлар асосида баён этилган

Шохимардонсой – Марғилонсой сувининг физик-кимёвий таркибини аниқлашда гидрокимёвий таҳлил методларидан (Шишкина, 1974; Агатова, 1991) ва Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология илмий-текшириш институти ҳамда Фарғона вилояти Экология ва атроф - муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасининг 2008-2016 йиллардаги маълумотларидан фойдаланилди.

Минералланиш даражаси юқоридан қуйи текислик томон 142,1 дан 1031 мг/л га ортади. Сувда эриган кислород 6,56 дан 15,15 мг О₂/л гача, ХК₅Т (БПК₅) 0,8 дан 5,40 мг О₂/л гача, ХК₅Т (ХПК₅) 2,03-10,13 мг О₂/л, нефть маҳсулотлари 0,01-0,56 мг/л, фенол бирикмалари 0,001- 0,002 мг/л, хром 0,001 мкг/л, хлор 32,8-40,9 мкг/л гача кузатилди. Сувдаги азотли минерал тузларидан: аммоний азоти 0,3-0,4 мг/л, нитрат азоти 0,09-1,0 мг/л, нитрит азоти 0,01-0,02 мг/л оралиғида кузатилди, хлорорганик пестицидлар (ГХЦГ изомери) 0,001 мкг/л ни ташкил этади.

Олинган таҳлиллар натижалари, Шохимардонсой - Марғилонсойни турли кимёвий (30 дан зиёд) бирикмалар билан ифлосланиши, ўрта ва қуйи оқимларда уларнинг миқдори “Рухсат этилган меъёрий миқдор” (РЭМ) кўрсаткичларидан ортмаганлигини кўрсатади.

Иккинчи боб – **“Шохимардонсой - Марғилонсой дарёси альгофлорасининг таксономик ва қиёсий таҳлили”** нинг биринчи бўлими – Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлорасининг таксономик таҳлили ва дарёнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимлари альгофлорасининг қиёсий таҳлили, ҳамда Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлораси билан Ўрта Осиёда ўрганилган табиий ва сунъий сув ҳавзалари альгофлораларининг қиёсий таҳлили тўғрисидаги маълумотларга бағишланган.

Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасининг таксономик таҳлили натижаларига кўра, 7 та бўлим, 15 та синф, 20 тартиб, 36 та оила, 77 та туркумга хос 308 та тур ва тур хиллари (239 – тур, 64 – вариация, 5 - форма) аниқланди. Улардан Cyanophyta - 22, Chrysophyta - 1, Bacillariophyta - 236, Pyrrophyta - 3, Euglenophyta - 4, Chlorophyta – 40, Rhodophyta – 2 та тур ва тур хилларини ташкил этди (1-жадвал).

Шохимардонсой дарёси сувўтларининг таксономик таркибига кўра, сувўтларининг бўлимлари ичида Bacillariophyta - (236 та) сувўтлар етакчилик қилади ва умумий тур ва тур хиллари (175 – тур, 57 – вариация, 5 - форма) сонининг 76,62 % ини ташкил этади.


Кейинги ўринларда Cyanophyta – 22 та (22 тур, 7,14 %); Chlorophyta - 40 та (12,99 %); Pyrrophyta - 3 та (3 та тур, 0,98%), Euglenophyta – 4 та (3 – тур, 1 – вариация; 1,30%); Rhodophyta (2; 0,65) бўлими вакиллари учраши кузатилди. Chrysophyta сувўтларининг тур ва тур хиллари (1 та; 0,32 %) энг кам сонни ташкил этади (1- жадвал).

Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлорасининг таксономик таҳлили

№	Сувўтлар бўлимлари	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Шундан			Жами	%
						тур	вар.	фор.		
1	Cyanophyta	2	3	6	13	22	-	-	22	7,14 %
2	Rhodophyta	1	1	1	1	2	-	-	2	0,65%
3	Chrysophyta	1	1	1	1	-	1	-	1	0,32%
4	Vacillariophyta	2	4	9	38	174	57	5	236	76,62%
5	Pyrophyta	2	2	2	2	3	-	-	3	0,98%
6	Euglenophyta	2	2	2	3	3	1	-	4	1,30%
7	Chlorophyta	5	7	15	19	35	5	-	40	12,99%
	Жами:	15	20	36	77	239	64	5	308	100 %

Иккинчи бобнинг иккинчи ва учинчи бўлимларида дарёнинг оқимлар бўйича альгофлористик ва қиёсий таҳлиллари берилган.

Шохимардонсой - Марғилонсойнинг юқори, ўрта ва қуйи оқимлари альгофлорасининг таксономик таҳлили натижаларига кўра, сувўтларининг юқори оқимда 128 та, ўрта оқимда 144 та, қуйи оқимда 122 та тур ва тур хиллари учраши аниқланди (2-расм).



2-расм. Альгофлорада сувўтларнинг оқим бўйлаб тақсимланиши

Шохимардонсой - Марғилонсойнинг барча оқимлари учун 18 та тур ва тур хиллари (16 – тур, 2 – вариация) умумий ҳисобланади, улардан Cyanophyta (1 та), Vacillariophyta (15 та), Chlorophyta (2 та) ни ташкил этади. Шохимардонсой – Марғилонсой оқимларидаги сувўтлар флорасининг

умумийлик коэффиценти Жаккар (Шмидт, 1974) формуласига кўра: юқори ва ўрта қисмларда 0,14 га; юқори ва қуйи қисмларда 0,14 га; ўрта ва қуйи қисмларда 0,17 га тенглиги кузатилди.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида, Шохимардонсой - Марғилонсойнинг альгофлораси Ўрта Осиёда ўрганилган табиий ва сунъий сув ҳавзалари альгофлораси билан қиёслаб, таҳлил қилинганда 271 та умумий турлар учраши аниқланди ва 36 таси Ўрта Осиё ҳавзаси учун янги хисобланади.

Учинчи боб – **“Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасининг мавсумий ва экологик хусусиятлари”**нинг биринчи бўлимида сувўтларнинг тарқалиши ва ривожланишига ташқи муҳит омилларининг таъсири хусусида дарё сувўтларининг тарқалиши ва ривожланишида муҳитнинг асосий экологик омиллари (ёруғлик, ҳарорат, тиниқлик, оқим тезлиги, биоген элементлар, рН, минералланиш даражаси) ҳамда саноат ва қишлоқ хўжаликлари чиқинди сувлари, далалардан оқиб чиқадиган оқова сувлар сифати ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигига бағишланган.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлими Оқимларда альгофлоранинг мавсумий ривожланишида сувўтларнинг тарқалишида сувнинг тиниқлиги муҳим ўрин тутди. Дарёнинг юқори ва ўрта оқимларида сувнинг тиниқлиги қуйи оқимларга нисбатан юқори бўлиб, турлар таркибининг хилма-хиллигини белгилайди. Умумий турлар сонидан (308) 128 та сувўтлари юқори оқимда 1,5 дан 2 м гача бўлган тиниқликда, ўрта оқимда тиниқлик 1 - 1,5 м дан 2 м гача бўлиб, 144 та сувўтлари, қуйи оқимда тиниқлик 0,25 м дан 0,75 - 1 м гача бўлиб, сувўтларининг 122 та тур ва тур хиллари аниқланди.

Шохимардонсой - Марғилонсой сувининг минераллашуви юқори оқимдан (159,3 мг/л - 492,4 мг/л) ўрта (501,2 мг/л - 868,9 мг/л) ва қуйи оқимга (908 мг/л - 1086 мг/л) томон чучук сув (гипогалиндан г) сифатидан шўртоброқ сувга (бета-мезогалингача мг) ўзгариб борди. Бундай шароитда дарёнинг қуйи оқимида – *Phormidium uncinatum* (Ag.) Gom, *Tabellaria fenestrata* var. *intermedia* Grun, *Cerotoneis arcus* (Ehr.) Kuetz., *Synedra ulna* var. *oxyrhynchus* (Kuetz.) V.H. каби турлар яхши ривожланди.

Дарё альгофлораси йил мавсумлари давомида сувнинг кимёвий таркибига, гидробиологик режимига ва сув муҳитининг қатор омилларига боғлиқ ҳолда ўзгарди. Баҳор мавсумида сувнинг ҳарорати 10°C - 18°C гача ортди. Бу даврда дарё оқимлари бўйлаб сувўтларининг 81 та тур ва тур хилларини аниқланди. Улардан диатом – 66 та, кўк-яшил - 5 та, яшил - 6 та, эвглена - 1 та, кизиллардан - 2 ва 1 та тилларанг сувўтларидир (2-жадвал ва 3-расм). Улар - *Rhabdoderma lineare* Schmidle et Laut, *Coccolpedie turkestanica* E. Kissel, *Gloeocapsa lithophila* (Erceg.) Hollerb, *Homoeothrix schizothrichoides* Muzaf; кизил сувўтларидан - *Batrachaspermum densum* Sir, тилларанг сувўтларидан - *Dinobryon cylindricum* imh. var. *palustre* Lemm; диатом сувўтларидан - *Meridion circulare* Ag, *Diatoma vilgare* Bory ва бошқалар кўпроқ учради.

Ёз мавсумида сувнинг ҳарорати 18 - 26 °C гача ортди. Бу даврда сувўтларининг 240 та тур ва тур хилларини аниқладик. Улардан: кўк-яшил 17


та, диатом 182 та, яшил 37 та, кам сонда эвглена 2 та, пирофита 2 та сувўтлари учради. Ёз мавсумида асосан кўк-яшил, диатом ва яшил сувўтлари яхши ривожланади. *Synechococcus elongatus* Nag. *Romeria grasilis* Koczw, *Cyclotella kuetzingiana* Thw ва бошқалар (2-жадвал).

2-жадвал

Альгофлора таркибидаги турлар сонининг мавсумий ўзгариши

№	Сувўтлар бўлими	Баҳор				Ёз				Куз				Қиш			
		Оқимлар															
		жами	юқори	урта	қуйи	жами	юқори	урта	қуйи	жами	юқори	урта	қуйи	жами	юқори	урта	қуйи
1	Cyanophyta	5	1	4	-	17	9	4	4	3	-	2	1	11	4	3	4
2	Rhodophyta	2	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Chrysophyta	1	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
4	Bacillario- phyta	66	16	33	17	182	76	55	51	95	23	43	29	151	29	54	68
5	Pyrrhophyta	-	-	-	-	2	1	1	-	-	-	-	-	1	1	-	-
6	Eugleno- phyta	1	-	1	-	2	2	-	-	-	-	-	-	1	-	1	-
7	Chlorophyta	6	2	2	2	37	19	7	11	13	5	4	4	16	3	7	6
	Жами:	81	19	43	19	240	107	67	66	111	28	49	34	180	37	65	78

Куз мавсумида оқим бўйлаб сувнинг ҳарорати 15° - 21°C; ҳаво ҳарорати эса 18° - 26°C, рН - 7, оқим тезлиги 0,50-0,25 м/сек, тиниқлик 0,5-1 м гача ўзгариб боради. Бу даврда сувўтларининг 111 та тур ва тур хилларини аниқладик. Куз мавсуми давомида Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасида аниқланган 111 тур ва тур хилларидан 3 та кўк-яшил, 95 та диатом, 13 та яшил, сувўтлари ўсиб ривожланиши аниқланди. Уларга *Oscillatoria Bonnemaisonii* (Grouan) Gom, *Lyngbya perelegans* Lemm, *Cyclotella comta* (Ehr.) Kuetz, *Chaetoceros Wighamii* Bright, *Diatoma elongatum. var. tenue* (Ag.) V.H ва бошқалар. Қиш мавсумида қуёш нурининг камайиши ва сув ҳароратининг 1°C га қадар пасайиши сувўтларининг яшаш шароитларида кескин ноқулайликларни туғдиради. Ҳаво ҳарорати эса 8° - 10° - 12° С оралиғида, рН - 7, оқим тезлиги 0,5 м/сек, тиниқлик 0,5 - 1 м га тенг. Бу мавсумда жами 180 та тур ва тур хиллари ривожланиши аниқланди. Улардан, диатомлар - 151 та, кўк-яшил - 11 та, яшил - 16 та, эвглена - 1 та, пирофита сувўтларидан 1 та учради. Қиш мавсуми давомида ривожланган совуксевар сувўтларига –*Tetracyclus rupestris* (A. Br.) Grun, *Meridion circulare. var. constrictum* (Ralfs) V.H ва бошқалар аниқланди.



3-расм. Альгофлора таркибидаги турлар сонининг мавсумий ўзгариши

Сувўтларнинг дарё оқими бўйлаб турлар сонини дастлабки нуқталардан ўрта нуқталар томон ортиб боришига сувнинг ҳарорати, тиниклиги ва минераллар миқдорининг ошиши, куйи нуқталар томон камайишига эса сув тиниклигининг пасайиши, минерал ва органик моддалар миқдорининг ошиши сабаб бўлди. Кузатишлар шуни кўрсатдики баҳорги, ёзги ва кузги мавсумларда сув ҳароратининг ортиб бориши ҳисобига дарёдаги сувўтларнинг турлар таркиби ортди (59, 170, 72, 121), ҳаво ҳароратининг пасайиши билан турлар таркиби (49) тага камайди.

Мавсумлар бўйича турларнинг оқимларда такрорий учраши натижасида тур ва тур хиллари куйдагича (81, 240, 111, 180) учради (2-жадвал, 3-расм).

Диссертациянинг учинчи боб учинчи бўлимида ҳавзадаги иқтисодиётнинг асосий бўғимларидан бўлган балиқчилик хўжаликлари фаолияти, уларининг экологик хусусиятлари ва альгофлоранинг турлар таркиби хусусида сўз борган. Шохимардонсой – Марғилонсойнинг куйи оқими - Ёрмазор қишлоғида ташкилланган балиқчилик кўлида бир мавсумнинг ўзида (баҳор) 41 тур ва тур хиллари учраганлига ва улардан доминант 8 тур балиқлар учун келажакда истиқболли озуқа сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади.

Тўртинчи боб – **“Индикатор-сапроб сувўтларининг тарқалиши ва уларнинг сувни экология-санитария ҳолатини аниқлашдаги аҳамияти”** – Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлораси индикатор-сапроб турларининг таксономик таҳлили ва дарё сувининг сифатини баҳолашда уларнинг аҳамиятига бағишланган.

Бобнинг биринчи бўлимида Индикатор - сапроб сувўтларининг таксономик таҳлили берилган бўлиб, тадқиқотлар (2009-2016 йй) давомида 77 та (70 та тур ва 7 та вариация) индикатор-сапроб сувўтлари аниқланди. Бу сувўтлари 4 та бўлим, 8 та синф, 9 та тартиб, 16 та оила, 34 та туркум

вакиллари бўлиб, дарё бўйича аниқланган жами тур ва тур хиллар (308) сонининг 24,84 % ини ташкил қилади.

77 та индикатор - сапроб тур ва тур хиллардан 13 та тур ксеносапроб, 18 та олигосапроб, 35 та бета - мезосапроб, 10 та альфа - мезосапроб ва 1 та полисапроб сувўтлари ҳисобланади (3-жадвал).

3-жадвал

Шохимардонсой - Марғилонсой индикатор-сапроб сувўтларининг таксономияси

№	Сувўтлар бўлимлари	Индикатор-сапроб турлар сони					Умумий сони	%
		X	Õ	β	α	P		
1	Cyanophyta				2		2	2.60
2	Bacillariophyta	13	14	26	7	1	61	79.22
3	Euglenophyta			2			2	2.60
4	Chlorophyta		4	7	1		12	15.58
Жами:		13	18	35	10	1	77	100
%		16,88	23,38	45,45	13,0	1,30	100	

Изоҳ: x-ксеносапроб, o-олигосапроб, β-бета-мезосапроб, α-альфа-мезосапроб, p-полисапроб сувўтлари.

Шохимардонсой - Марғилонсойнинг индикатор - сапроб тур ва тур хилларининг умумий сони (77 та) дан юқори қисмда 31 та, ўрта қисмда 39 та ва қуйи қисмда 37 та сувўтини ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Шохимардонсой - Марғилонсой индикатор-сапроб сувўтларининг оқимлар бўйича таксономияси

№	Сувўтлари бўлими	Юқори оқим			Ўрта оқим			Қуйи оқим		
		жами турлар	турлар	вариация	жами турлар	турлар	вариация	жами турлар	турлар	вариация
1	Cyanophyta	-	-	-	1	1	-	1	1	-
2	Rhodophyta	-	-	-	-	-	-	-	-	-
3	Chrysophyta	-	-	-	-	-	-	-	-	-
4	Bacillariophyta	24	23	1	32	28	4	31	30	1
5	Pyrrophyta	-	-	-	-	-	-	-	-	-
6	Euglenophyta	-	-	-	2	2	-	-	-	-
7	Chlorophyta	7	7	-	4	4	-	5	5	-
Жами:		31	30	1	39	35	4	37	36	1

Бета -, олиго -, альфа - мезосапроб тур ва хиллар ҳисобига оқим бўйлаб сувўтларининг сони ортиб боради Иккинчи бўлимда Индикатор – сапроб

сувўтларининг дарё оқимлари бўйлаб тарқалишига бағишланган. Олигосапроб тур ва тур хиллари сони (18 та) дарёнинг юқорисида 8 тани, ўрта 8 та ва қуйи қисмларда 9 тага тенг. Бета - мезосапроб (35 та) сувўтлари сони дарёнинг юқори қисмида 14 та, ўртада 16 та ва қуйи қисмларда 17 тани ташкил қилди.

Учинчи ва тўртинчи бўлимлар индикатор – сапроб сувўтларининг мавсумий ривожланиш динамикасига бағишланган. Куз мавсуми учун 5 та ксеносапроб, 7 та олигосапроб, 7 та бета -мезосапроб (6 - тур, 1 - вариация), 2 та альфа - мезосапроб (2 - тур) тур ва тур хиллари хослиги кузатилди. Қишда 7 та ксеносапроб, 8 та олигосапроб, 15 та бета - мезосапроб, 4 та альфа - мезосапроб турлар ривожланишини аниқладик. Полисапроб турлар бу даврда учрамади.

Тадқиқот натижалари, ксено- ва олигосапроб турлар сони камайишини, бета-, альфа-, мезо- сапроб сувўтларининг сони дарёнинг юқори қисмдан ўрта ва қуйи қисмларига томон ортиб боришини ва шу билан бирга дарёнинг ўрта ва қуйи қисмларида полисапроб сувўтлар учрай бошлашини кўрсатди. Буларнинг барчаси ифлосланган оқова сувларнинг тушиши ва органо-минерал бирикмалар концентрациясининг ошиши билан боғлиқ.

Шохимардонсой - Марғилонсой дарёсининг экология – санитария ҳолатини аниқлашда индикатор – сапроб сувўтларининг аҳамияти Сапробиологик индекси Р. Пантле, Н. Букк (1955) формуласи бўйича ҳисоблаш, дарёнинг юқори қисмидаги сапроб сувўтларининг йиллик ўртача учраш даражаси (h) 31; ўрта қисмда 39, қуйи қисмда 37, учраш даражасининг ўртача суммаси $\sum(h)$ дарё бўйича 107 га тенглигини кўрсатди. Учраш даражасининг йиғиндиси (h) ва сувўтларининг сапроблик валентлиги (s) кўпайтмаси дарёнинг юқори қисмида ($h \cdot s$) 46,5, ўртада 61,5, қуйида 64,5, ўртача йиғиндиси $\sum(h \cdot s)$ 172,5 ни ташкил этди (5-жадвал).

5-жадвал

Шохимардонсой - Марғилонсойнинг санитар ҳолатини сапроб сувўтларининг сапроблик индекси бўйича баҳоланиши

Станция-лар	Учраш даражаси йиғиндиси $\sum h$	Учраш даражаси ва сапроблик валентлиги кўпайтмасининг йиғиндиси $\sum(h \cdot s)$	Сапроблик биоиндикацияси		Сувнинг сифати	
			Сапроблик индекси S_i	Сувнинг сапроблик зонаси	Синф	Разряд
Юқори	31	46,5	1,48	α -о	2	2а
Ўрта	39	61,5	1,56	β'	3	3а
Қуйи	37	64,5	1,72	β''	3	3б
Жами	107	172,5	1,59	β''	3	3а

Изоҳ. Сапроблик зонаси: α -о – альфа-олигосапроб, β' – бета'-мезосапроб, β'' – бета''-мезосапроб. Сувнинг сифати синфига кўра: 2 – тоза, 3 – қоникарли тоза; разрядига кўра: 2а – жуда тоза, 3а – етарлича тоза, 3 б – кучсиз ифлосланган.

Тадқиқот натижалари дарёнинг юқори қисмида сапроблик индекси (Si) – 1,48; ўртада – 1,56 ва қуйида 1,59 га тенглигини кўрсатди. Дарёнинг сапроблик зонаси альфа-олигосапробдан бета', бета''- мезосапроб зоналарга, сувнинг сифати – 2 синфдан 3 синфгача, 2а дан 3а – 3б разрядгача ўзгаради (5-жадвал).

Тадқиқот натижалари, Шохимардонсой - Марғилонсойнинг органик, минерал бирикмалар билан ифлосланганлиги йилдан-йилга (2009-2016 йй) дарёнинг экология-санитария ҳолатини юқоридан қуйига томон ёмонлашиб борганлигини тасдиқлайди.

ХУЛОСА

«Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлораси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Шохимардонсой - Марғилонсойнинг альгофлорасини аниқлаш натижасида сувўтларнинг 7 та бўлим, 15 та синф, 20 та тартиб, 36 та оила, 77 та туркумга ҳос 308 та тур ва тур хиллари келтирилди. Сувўтларидан Bacillariophyta - (236; 76,62 %) бўлими етакчилик қилди. Кейинги ўринларни Chlorophyta - 40 та (12,99 %); Cyanophyta (22; 7,14 %), Euglenophyta (4; 1,30%); Pyrrhophyta (3; 0,98%), Rhodophyta (2; 0,65) ва Chrysophyta (1; 0,32%) ташкил этади.

2. Ўзбекистон сув ҳавзалари альгофлораси учун биринчи мартаба келтирилган 36 турнинг мавжудлиги тадқиқот ҳудудининг Ўзбекистон ва Қирғизистон альгофлоралари ўртасидаги боғловчи ирригацион тармоқ эканлигини кўрсатади.

3. Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлораси турлар таркибининг оқимлар бўйича (юқори оқимда 128 тур, қуйи оқимда 122 тур, ўрта оқимда 144 тур) фарқланиши аниқланиб, бу ҳолат оқимнинг ўзгарувчанлиги, сувнинг тиниклиги ва минералланиши, альгофлоранинг экологик омиллар таъсирида шаклланиши билан изоҳланади.

4. Шохимардонсой - Марғилонсой сувининг минераллашуви юқори оқимдан қуйи оқимга (908-1386 мг/л) томон чучук сувдан (гипогалин) шўртоброк сувга (бета-мезогалин) ўзгарди. Бу эса дарёнинг қуйи оқимида – *Oscillatoria bonnemaisonii*, *Symploce muscorum*, *Melosira arenaria*, *Pinnularia viridis. var. rupestris*, *Chlorella luteoviridis*, *Cladophora fracta*, *Closterum gracile* ва бошқа мезогалин турларнинг кўплаб шаклланишига олиб келади.

5. Альгофлоранинг ҳароратга боғлиқ тақсимланишига кўра, турларнинг 88,6 % стенотерм сувўтларига мансублиги Шохимардонсой - Марғилонсой альгофлорасининг Ўрта Осиёнинг тоғ сув ҳавзалари альгофлорасига хослигини белгилайди.

6. Шохимардонсой – Марғилонсой альгофлорасидаги жами 308 турдан 18 та тур дарёнинг барча оқимлари учун умумий бўлиб, бу уларнинг эвритерм гуруҳ ва космополит турларга мансублигини кўрсатади.

7. Дарё оқимлари бўйлаб сапроблик индекси (Si) юқори оқимда 1,48, ўрта оқимда 1,56 ва қуйи оқимда 1,72 гача ўзгарди. Бу ҳолат сувнинг сифати “тоза” сув синфидан (2) “қониқарли тоза” сув синфигача; “тозароқ” (2а) сув разрядидан “етарлича тоза” (3а) ва “кучсиз ифлосланган” (3б) сув сифати даражасини белгилайди.

8. Тадқиқот ҳудудининг қуйи оқимидаги Ёрмазор балиқчилик кўлида бир мавсумнинг ўзида (баҳор) балиқлар учун озуқабоб 8 турнинг аниқланганлиги бу турларнинг истиқболли эканлигини ва Шохимардонсой – Марғилонсойни республикадаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган альгологик ҳудуд сифатидаги мақомини кўрсатади.

9. Тадқиқот ҳудудида 77 та индикатор - сапроб турлар аниқланди. Улардан 13 та тур ксеносапроб, 18 та олигосапроб, 35 та бета - мезосапроб, 10 та альфа - мезосапроб ва 1 та полисапроб турлар сув ҳавзаларининг экология-санитария ҳолатини мониторинг қилиш учун тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.09.2018.В.76.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЮЛДАШЕВА МУАТТАРХОН ПУЛАТОВНА

АЛЬГОФЛОРА ШАХИМАРДАНСАЙ-МАРГИЛАНСАЙ

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.2.PhD/B189.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (info@namdu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Алимжанова Холисхон Алимжановна**
доктор биологических наук, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамидов Фуломжон Хамидович**
доктор биологических наук, профессор

Буриев Сулаймон
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация: **Национальный Университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрировано под № ____). Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, 316-дом. Тел.: (+99869) 227-29-81.)

Автореферат диссертации разослан: «__» _____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки № «__» от _____ 2019.

А.Э. Зайнабидинов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.б.н.

Х.Э. Эргашеева
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
философии по биологическим наукам, PhD

А.Р. Батошов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире обеспечение устойчивости водоёмов, охрана водных ресурсов, и особенно оценка экологически-санитарного состояния водоёмов имеют большое значение. Здесь актуальными задачами являются определение сапробиологической зоны рек и качества воды вычислением сапробного индекса индикаторно-сапробных видов в составе альгофлоры, особенно изучение и внедрение в практику закономерностей формирования альгофлоры трансграничных рек, находящихся под влиянием антропогенных факторов. Соответственно, оценка современного состояния водорослей на территориях, где пересекаются естественные и искусственные водоёмы, инвентаризация, выявление редких видов и охрана имеет важное значение.

В мире исследования по флоре водоёмов направлены на определение состояния альгофлоры водоёмов крупных территорий, различающихся трансграничными реками и водными источниками, используемые в качестве стратегического объекта и оценки уровня их трансформации. Здесь среди водоёмов, реки, особо важного значения, являются значительными не только богатством биологического разнообразия, но и тем, что являются основными ирригационными протоками в распространении видов альгофлоры по водоёмам. В этом отношении, особенно реки, образовавшиеся, слиянием различных протоков, отличаются обилием водных источников и высоким числом видов альгофлоры. Также расположение территории исследования на территории, где пересекаются различные горные цепи, приводит и к своеобразному составу альгофлоры их рек. Согласно этому, выявление видового состава альгофлоры рек, научное обоснование отличия речной альгофлоры по течению, оценка экологически-санитарного состояния воды на основе индикаторно-сапробных видов имеют важное научно-практическое значение.

В нашей республике особое внимание уделяется сохранению естественной флоры водоёмов, их использованию в качестве стратегического объекта. В этом отношении достигнуты результаты в организации коллекции водорослей, выявлении источников и масштаба антропогенного загрязнения рек, их устранении и внедрении водорослей в практику очистки сточных вод. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены задачи по «предотвращению проблем, наносящих ущерб окружающей среде, развитию объектов ирригационных отраслей»². В осуществлении данных задач выявление таксономического состава и индикаторно-сапробных видов альгофлоры реки Шахмардансай-Маргилансай, их использования при анализе состояния экологически-санитарного состояния речной воды, создание электронной базы данных и внедрение в практику имеют важное научно-практическое значение.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Законом Республики Узбекистан «Об охране и использовании растительного мира» (2016), Указом Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-3286 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов» от 25 сентября 2017 года а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Данные о таксономической номенклатуре альгофлоры, влиянии экологических факторов на их формирование, а также роли водорослей в оценке экологически-санитарного состояния воды освещены в работах зарубежных ученых J. Komarek, J. Kostovsky, J. Mares, J. Johansen (2014), B. Zarei Darki (2010), N. Abdel-Raouf, Al-Homaidan, I.B. Ibraheem (2012), ученых СНГ Болотовой Н.Л (2017), Ш.И. Когана (1985), Горбулина О.С. (2017), Е. Патовой (2017) и других.

Исследования, посвященные, альгофлоре Шахимардансай-Маргилансай в основном отражены, в работах А.И. Музафарова (1938-1941), которым уже исполнилось 80 лет и данные исследования не достаточны для раскрытия современного состояния видового состава альгофлоры Шахимардансай-Маргилансай. Научные исследования по альгофлоре реки Шахимардансай-Маргилансай имеющей своеобразный состав альгофлоры, формирование и экологические особенности, а также содержащей ранее неизвестные для альгофлоры республики виды полностью не выявлены. В этом смысле имеет важное значение выявления текущего состояния альгофлоры реки Шахимардансай-Маргилансай, формирование альгофлоры, изменение реки по течению и сезону, обоснование роли экологических факторов в распространении альгофлоры, а также раскрытие значения индикаторно-сапробных водорослей в оценке экологически-санитарного состояния воды.

Связь исследования с научно-исследовательскими работами высшего образовательного научно-исследовательского учреждений, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментального проекта ФА-А9-Т005 «Поиск и выбор перспективных водорослей, встречающихся во флоре местных и зарубежных территорий, реликтовых, редких и исчезающих водных и водно-болотных растений для создания их коллекции» (2009-2011) плана научно-исследовательских работ Ботанического института.

Целью исследования является обоснование значения индикаторно-сапробных видов в определении видового состава альгофлоры

Шахимардансай-Маргилансай и оценке экологически-санитарного состояния ее воды.

Задачи исследования:

определить видовой состав альгофлоры Шахимардансай-Маргилансай и осуществление их таксономического анализа;

определить видовой состав альгофлоры реки по течению и сравнение альгофлоры верхнего, среднего и нижнего течений реки;

анализировать сравнительно речную альгофлору с научно-исследовательскими источниками, проведенными в других природных и искусственных водоёмах;

определить влияние экологических факторов на распространение речной альгофлоры по сезонам и течениям;

установить сапробиологическую зону и качества реки вычислением сапробного индекса (Si) индикаторно-сапробных видов в составе речной альгофлоры;

